

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

50 2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2053-1

(2013 йил 4 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2009 йил 2 ноябрдаги 01-02/12-22, ЭГ-01/10-7233-сон қарори (рўйхат рақами 2053, 2009 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 50-51-сон, 546-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2012 йил 25 декабрь,
01-02/19-37-сон

3. ДУСАНОВ

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 25 декабрь,
ЭГ-01/10-8808- сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи
иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва
савдо вазирлигининг 2012 йил 25 декабрдаги
01-02/19-37 ва ЭГ-01/10-8808-сон қарорига
ИЛОВА

**2008 йил 13 майдаги Ўзбекистон Республикаси Устюрт
минтақасидаги Урга, Куаниш ва Акчалак гуруҳига тегишли
маҳсулот тақсимотида оид Битимни бажариш доирасида
Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб
ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддан «ва божхона органларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 14-банддан «ва унинг худудидан олиб чиқиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 18-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«18. Экспертиза ўтказиш ва экспорт қилинаётган табиий газ учун маҳсулот келиб чиқувчи давлат сертификатининг берилиши Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й. 33-сон, 279-модда).»
4. 24-банднинг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
5. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбекнефтегаз» МХК ва «PETRONAS Carigali (Urga) Ltd» компанияси билан келишилган.

**«Ўзбекнефтегаз» МХК
бошқарув раиси**

Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2012 йил 14 декабрь

**«PETRONAS Carigali
(Urga) Ltd» бошлиғи**

И. НАДАРАДЖАХ

2012 йил 14 декабрь